

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

18 июль, жума, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 150 (1667)

Жўқорғи кенгес сессияси



17 июль куни Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Жўқорғи Кенгес депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вазирилик

лари раҳбарлари, Қорақалпоғистондан сайланган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси вазириликлари, кўмиталари, уюшмалари, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари

иштирок этди. Сессияни Жўқорғи Кенгес Раисининг ўринбосари Р. Йўлдошев очди. Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. У.Аширбеков бошқа ишга ўтиши

муносабати билан ўз аризага кўра Жўқорғи Кенгес Раиси вазирасидан озод этилди. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган

Темур Камоловни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раислигига тавсия этди. Депутатлар Т. Камолов номзодини атрофлича муҳокама қилгандан сўнг, уни Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига биноан

ёпиқ овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайлади.

Сессия Т. Камоловни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессия қатнашчилари давлатимиз раҳбари Ислон Каримов нутқида баён этилган тавсиялар, ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифаларни бажариш юзасидан махсус қарор қабул қилдилар.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов қатнашди.

(ЎЗА).
СУРАТДА: сессия пайти.
С. ЗУФАРОВ олган сурат.

Янгича тафаккур — замон талаби

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам депутатлар! Азиз қардошлар! Кадрли дўстлар! Авваламбор, бу кўҳна заманда сизлар билан қўришиб турганимиздан гоҳда хурсандман. Бугун биз муштарак тақдиримизни, ёруғ истиқболимиз ва раънақимизни бунёд этишдек масъулиятли бир даврни бошдан кечираяпмиз.

Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. Унинг миллий маданияти, жозибали санъати, мумтоз адабиёти, қадриятлари, удум ва аънаёлари оламга машҳурдир.

Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Адолат ва тенглик, озодлик ва эрк учун курашган Ерناзар Олакўз, Оллоёр Дўстназаров сингари халқ қаҳрамонларининг — жасоратли, ўт юракли қорақалпоқ фарзандларининг орзу-армонлари амалга ошди.

Миллий маданият ва маънавиятнинг қарор топишига, қорақалпоқ халқининг классик шоирлари Бердақ, Ажиниёз болболар ижодий меросларини тўла тикланишига, азиз хотираларининг улуғланишига йўл очиб берди.

Бугунги кунда Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов, Тиловберген Жумамуратов каби қорақалпоқ ёзувчи ва шоирларининг асарлари халқларимиз маънавий хазинасидан муносиб жой олди.

Собир Камолов, раҳматли олимлар Ўзбекистон фани ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кўп миллатли Қорақалпоғистон халқининг, ана шу муътабар юрт қишлоқларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Кўрсаткич ҳақиқатини амалга ошириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Энг аввало, элда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланди. Ҳамжихатлик билан юрт истиқболни йўлида меҳнат қилишга шароит яратилди.

Республикада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида нодавлат секторнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Айни пайтда саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этмоқда.

Қисқа вақт ичида газ ва газ конденсати ишлаб чиқариш, кабель заводлари, «Элтекс» ва «Катекс» комплекслари, Туямўйин — Нукус — Тахтакўпри сув тармоғи ва бошқа бир қатор иншоотлар ишга туширилди. Мармар, тиббий бинт ва спирт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 40 фоиздан 59 фоизга етди. Қишлоқларда бу кўрсаткич икки бараварга оширилиб, қўшимча 300 мингга яқин қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Табий газ билан таъминлаш эса 83 фоизга етказилди. Кўнғирот автомобиль йўли ҳамда Навоий — Учқудуқ — Нукус темир йўлининг қурилиши қўшни давлатларга чиқиш имконини кенгайтиради.

Марказий Осиёда ягона Кўнғирот сода заводи қурилиш жадал суръатларда олиб борилаётганда. Бу корхона ва иншоотлар, шубҳасиз, мамлакатимиз, хусусан, Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Заводнинг биринчи навбатда 400 минг тонна табий туз, иккинчи навбатда 115 минг тонна кальцийли, 50 минг тонна каустик сода ишлаб чиқарилади. У тўла ишга тушган, 2500 киши иш билан таъминланади, 5000 киши яшайдиган шаҳарча барпо этилади. 2000 йилда тўлиқ ишга тушириш

мўлжалланган мазкур заводнинг нархи 600 миллион Америка долларини ташкил этади.

Республикада ана шундай кенг миқёсдаги ишлар олиб борилаётганда. Бироқ мавжуд имкониятлар, интеллектуал, илмий-техник ва бошқа омилларни ҳисобга олсак, амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслиги яққол кўзга ташланади.

Вужудга келган бугунги вазият ҳаммамизнинг чуқурроқ, жиддийроқ ўйлашимизни тақозо этмоқда. Нима учун республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ўз самарасини бермапти? Нима учун халқнинг аҳоли яхшиланмапти?

Бу каби қатор саволларни таҳлил этиб, Сиз, халқ депутатлари билан биргаликда жавоб излашимиз лозим. Утган йили асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар 1995 йилдаги нисбатан кескин пасайиб кетди. Жумладан, миллий даромад 16 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 22 фоизга, аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 6 фоизга камайди.

1996 йилда мавжуд саноат корхоналарининг 20 фоизи ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 550 миллион сўмга камайитириб юрди. Бундан ташқари, сифати пастлиги, харидорлар талабига жавоб бермагани сабабли, бир миллиард 129 миллион сўмлик маҳсулот омборларда йиғилиб қолган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда энг охириги ўринни эгаллайди. Тахтакўпри, Бўзотлар, Нукус, Шуманай, Кегайли ту-

манларида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот 20-30 сўмни ташкил этади, холос.

«Катекс» ва «Элтекс» ҳиссадорлик жамиятларининг янги ишга туширилган қувватларидан 35-40 фоиз фойдаланилмоқда.

Давлатимизда мулк шакли ўзгариб, ҳақиқий мулк эгалари пайдо бўлди. Меҳнатқашлар ҳиссадорлик жамиятларига бирлашиб, қўшимча даромад олмақдалар. Қорақалпоғистонда эса бу ишлар хўжақўрсинга амалга оширилганлиги сабабли натижа бермапти.

Корхоналарнинг номи ўзгаргани билан иш услуби эскирилган қолган. Уларда қимматли қозғалар чиқарилмаган, ҳиссадорларга сертификатлар берилмаган. «Хўжайлиқ», «Кегайлиагрохизмат», «Нукуснон», «Оролсервис» ва яна кўпчилик ҳиссадорлик жамиятлари ташкил қилингандан бери, ўзлари фойда олганига қарамай, ҳиссадорларга дивидендлар тўланмаган.

Устав фондида белгиланган акцияларнинг атиги 6 фоизи сотилган. Ҳиссадорлик жамиятларининг иккинчи эмиссиясини очиш тўғрисида дастурлар ишлаб чиқиш бўйича мулақоат иш қилинмаган.

1996 йилда хусусийлаштирилган объектларда маблағ тушуми бўйича топшириқлар бажарилмаган. Хусусийлашган объектлар ер майдонларини сотиш 42 фоизга, ер участкаларини «Кимощди» савдоси ва танлов орқали сотиш бор-йўғи 6 фоизга бажаришга қарамай, 2000 йилда маҳсулот қараганда, қорақалпоғистонлик дехқонларнинг меҳнатини алоҳида тақдирлаш керак.

Афсуски, бугун Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида инкирозли вазият вужудга келган. Суғори-

таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш йўллари қидириб топиш ўрнига, марказдан қўшимча маблағ берилмаётганини баҳона қилиш одат тусига кирган. Шунга қарамай, мамлакат ҳукумати қорақалпоғистонликларни пенсия ва нафақа билан тўла таъминлаб келмоқда.

Нақд пул назорати, унинг айланиши эътибордан четда турибди. Асосий савдо тармоқларида нақд пул тушуми пастлигича қолмоқда. 1996 йил давомида гайриқонуний ҳаракатлар, камомат ва ўғирликлар оқибатида етказилган зарар миқдори 40 миллион сўмдан ошиб кетди. Бироқ айбдор шахслардан етказилган зарарнинг бор-йўғи 15 фоизи ундирилган, холос.

Нақд пул тушумини таъминладиган муҳим соҳаларга етарли эътибор берилмапти. Аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси паст. Хизмат маданияти ва турлари талаб даражасида эмас.

Қорақалпоғистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисми қишлоқда истиқомат қилади. Шундай экан, аҳолининг тақдири, турмуш даражаси қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг қай йўсинда амалга оширилишига боғлиқ.

Оролбўйи минтақасининг, айниқса, Қорақалпоғистоннинг табий шароити мураккаб. Бу ерда сув тақчил, ёз жазирама иссиқ, қиш совуқ келади. Тупроқ ўта шўрланган. Бу ерда дехқончилик икки-уч баравар кўп меҳнатни талаб этади. Ана шу жиҳатдан қараганда, қорақалпоғистонлик дехқонларнинг меҳнатини алоҳида тақдирлаш керак.

Афсуски, бугун Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида инкирозли вазият вужудга келган. Суғори-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга банк хизматини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларга банк хизматини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий сармоялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоялар иштирокида барпо этилган корхоналар ўз хоҳишларига кўра бир ёки бир қанча банк муассасаларида сўм ва хорижий валютада талаб қилиб олинган депозит ҳисоб варақаларига эга бўлишга ҳақлидирлар;

«Хўжалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 19 майдаги Фармоннинг 1-банди хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амал қилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки бир ҳафта мuddатда амалдаги норматив ҳужжатларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 17 июль.

«ГАЛЛА-97»

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ҲАМОН ХИРМОНИ

Мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлашга муҳим ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаган қашқадарёликлар катта меҳнат галлабасини қўлга киритдилар. Улар қабул пунктларига 316 минг 810 тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, давлат буёртмасини ошириб бажардилар. Вилоят тарихида биринчи марта шунча миқдордаги галла давлатга сотилди.



Баҳорнинг серёғин ва салқин келмиши галла ривож учун қулай шарт-шароит яратди. Лекин май ойининг дастлабки кунларида бўлиб ўтган дўл ва жаала оқибатида 73 минг гектар майдондаги галлазор зарарланди. Айниқса, Ғузур ва Нишон туманлари хўжаликлари табий офатдан жиддий зиён кўрдилар.

Аммо вилоят галлакорлари бундан саросимага тушмадилар. Табий офат туфайли бой берилган ҳосилни бошқа майдонлардаги экинларни сифати парварши қилиш ҳисобига тўлдириш тадбирлари белгиланди. Қўшимча маъдани ўқитлар ажратилди, ёрдамга қўшимча ишчи кучлари сафарбар этилди. Натيجадан 152 минг гектар суғориладиган ердан 25 центнердан ошқариб, 183 минг гектар лаали майдондан эса 7 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Қўриқ Муборак тумани галлакорлари республикамизда биринчилар қаторида дон сотиш топширини уюлган эди. Ҳозиргача улар уйган хирмон 20 минг тоннадан ошди. Касби тумани галлакорлари ҳар гектар ердан қарийб 35 центнердан дон саранжомлаган бўсалар, чирокчиликлар 54 минг тонналик маррани забт

этишди. Қарши, Баҳористон, Косон, Китоб, Шаҳрисабз, Усмон Юсупов, Яқкабоғ туманларининг дехқонлари ҳам бу соҳадаги режаларини ошириб уладдилар. Шаҳрисабз туманидаги Жўра Элбоев номи, Касби туманидаги Ҳамма Хўжақуллов номи, Темур Маллик номи, Баҳористон туманидаги «Олтин бошоқ», Усмон Юсупов туманидаги «Жайнов», Қарши туманидаги Юсуф Хушвақтов номи, Ғузур туманидаги Абдулла Турсунов номи жамоа-ширкат хўжаликлари дехқонлари эса суғориладиган майдонлардан гектар ҳисобига 40-45 центнердан хирмон уйиб, Қашқадарё шароитида ҳам галладан юқори ҳосил кўтариш мумкинлигини амалда исботладилар.

Вилоят ҳокимлигиндан берилган маълумотга кўра, барча хўжалиқларда келгуси йил ҳосили учун уруғлик галлаб қўйилди.

Вилоятнинг тоғолди ҳудудида жойлашган хўжалиқларнинг галлазорларида ўрим-йиғим давом этаётир. Бошқа жойларда эса ерлар пешма-пеш шудгорланиб, тақририй экинлар экилмоқда.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Шу йилнинг кўламини Америка Қўшма Штатларининг инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга йўналирилган «Презет Хауф» жамғармаси вакиллари Навоий вилоятининг Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари ҳамда Томди туманида бўлиб, воҳадаги экологик вазият, унинг аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганишган эди.

Яқинда мазкур жамғарманинг техник эксперти Жон Терней кузатувида инсонпарварлик ёрдами сифатида вилоятга 4 тоннага яқин дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналари келтирилди. Жаноб Тернейнинг таъкидлашича, бу хайрия тадбири махсус дастур доирасида амалга оширилмоқда.

Ушбу дори-дармонларнинг асосий қисми вилоятдаги туғуруқхона ва болалар касалхоналарига тарқатилди.

Т. ЭШБОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИЧА ТАФАККУР — ЗАМОН ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ладиган ерлардан фойдаланиш даражаси паст. Ирригация ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, уруғчиликка аҳамият бермаслик, деҳқончилик соҳасида янги иш услубларини жорий этмаслик натижасида **кейинги уч йил давомда давлатга 116 минг тонна пахта, 282 минг тонна шолни кам сотилган.**

1993 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 7,4 центнерга, шол 13 центнерга, картошка, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш 4-5 бараварга камайиб кетган. Кегайли туманида пахта ҳосилдорлиги 8 центнерга ҳам етмаганини қандай баҳолаш мумкин? Бу ҳол давом этса, эртанги кунимиз қандай бўлади? Кўпайиб бораётган аҳолини нима ва ким ҳисобидан боқамиз?

Қорақалпоғистон замини шолликори учун қўлай ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисини гуруҳ билан таъминлашда бу ўлка муҳим ўринни эгаллайди. Бироқ ўтган йили давлатга шол сотиш режаси 57 фоиз бажарилди. Ҳосилдорлик 22 центнерни ташкил этди. Кегайли, Чимбой, Хўжайли ва Қораўзақ туманларида эса 15-18 центнерга тўғри келди.

Ўтган йили 58 минг гектар майдонга бугдой ўз вақтида ва сифатли экилди. Оқибатда мавжуд майдоннинг 40 фоизиди ҳосил унб чикмади. Қўлагидан ҳам 5 центнердан ҳосил олинди, холос. Бу йилги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмаслиги аён бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолатлар фақат ишга совоконлик билан қараш, лоқайдлик, боқимандалик иллатлари туфайли юз бермоқда.

Сугориладиган ерлардан оқилона ва унумли фойдаланиш масаласи ечилмаяпти. Қорақалпоғистонда кейинги уч йил мобайнида ўртача 40-50 минг гектар ер экилмай қолмоқда. Ер майдонларининг 45 фоизи кучли ва ўрта шўрланган юборилган. Зовурларни тозалаш икки-уч баравар камайиб кетган.

Ўтган йили бутун Ўзбекистон бўйича шу мақсадларга ажратилган маблағнинг тахминан 30 фоизи Қорақалпоғистонга берилди. Лекин бунинг натижаси қани?

Ер — элимизнинг асосий бойлиги, иқтисодимиз ўзаги, тирикчилигимиз манбаи! Ерни топташ, тупроқни эъзозлашмаслик биз, Шарқ халқларининг аниқларига зид. Нега биз бундай қутлуг удумларни унутаямиз?

Деҳқончиликдаги муваффақият, аввало, уруғ танлашдан бошланади. Афсуски, Қорақалпоғистонда уруғчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар бармоқ билан санарли даражада. Ваҳоланки, ҳар бир жойнинг табиий иқлимиди, ер шароитига мослаштирилган уруғ захирасини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Нима, Қорақалпоғистон шароитига, иқлимга мос уруғни ҳам бошқа вилоятлар тайёрлаб бериши керакми? Бундай вазиятни қандай изоҳлаш мумкин?

Ташкил қилинган машина-трактор паркларининг фаолияти талабга жавоб бермайди. Улар хўжаликларга хизмат қилаётгани учун, яъни ер ҳайдаб бергани учун 43 фоиз, дон ўриб бергани учун 23 фоиз, бошқача қилиб айтганда, ноқонуний йўл билан қўшимча, устама ҳақ олаётгани аниқланди.

Машина-трактор парклари шу йил май-июль ойларининг ўзиди хизмат ҳақини ошириб кўрсатиш ҳисобига, аниқроғи, қип-қизил фирромлик эвазига 517 миллион сўм ишлаб олган. Беруний, Кегайли, Хўжайли туманларида кенг тарқалган бу иллатни қандай баҳолаш бўлади?

Биринчидан, бу — шусиз ҳам молиявий ночор аҳволда қолган хўжаликларни талаш, деҳқонларнинг, уларнинг бола-чақасининг ҳақиқа хийнат қилиши.

Иккинчидан, бу — биз амалда таътиб этаётган янги техника ва технологияларни жорий қилиш сифатини оғуриштириш, кадрларни янгилаштириш.

Деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича Эликқалъа туманида етарли тажриба тўпланди. Туманда деҳқонларга ер, ишлаб чиқариш воситаларга ва етиштирилган маҳсулотларга эгаллик қилиш имконини бериш мақсадида мавжуд 14 та жамоа хўжаликлари деҳқон-

фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилган эди. Деҳқонларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ерлар узоқ муддатга ижарага берилди. Ана шу тажрибани маъқуллаб, Ўзбекистон ҳукумати махсус қарор ҳам қабул қилган эди. Хўжалик юртишнинг бу янги усули вилоятларда яхши натижа берди. Лекин, минг афсуски, Қорақалпоғистоннинг ўзиди ана шу тажрибани оммалаштиришга мутлақо эътибор берилмаяпти.

Қорақалпоғистонда чорвачилик салмоқли ўринни эгаллайди. Бироқ бу соҳадаги ислохотлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада уч йил ичида қорамоллар ва қўй-эчкилар сони кескин камайиб кетган. Шу сабабли гўшт ва сут етиштириш 40-45 фоизга пасайди.

Хусусийлаштирилган фермер хўжаликлари 1996 йилни 71 миллион сўм зарар билан яқунлаган, кредитор қарзлари эса 248 миллион сўмга етган.

Мулк эгалари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар. Фермер хўжаликлариди берилган ердан унумли фойдаланмаслик, ҳисоботларда қўшиб ёзиш, чорва молларини талон-торож қилиш ҳоллари мавжуд.

Республикада 45 минг бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқчилик комплекслари бор. Уларнинг бор-йўғи 20 фоиздан фойдаланилаётганини қандай тушуниш мумкин? Катта маблағлар ҳисобига қурилган бу комплекслар ташландиқ ҳолга келиб қолган.

Қани, айтинлар, барака топгурлар! Қишлоқ хўжалиги соҳасида бундай ночор, ачинарли, ҳеч чидаб бўлмайдиган аҳвол биринчи навбатда Қорақалпоғистон раҳбарларини, мутасадди амалдорларни ташвишга солиши керакми, йўқми?

Умуман, Қорақалпоғистон иқтисодиётидаги бугунги аҳвол Вазирлар Кенгаши (раис С. Азизов), унинг бўлинмалари ва вазириклари иш фаолияти замон талабидан орқада эканлигини кўрсатади.

Раҳбарларда талабчанлик, фидоийлик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик етишмайди.

Оқдид бир ҳақиқат бор — буни барчамиз чуқур англаб олишимиз даркор: қандай ишласак, шундай яшаймиз. Ҳеч ким четдан келиб, мушкулликни осон, рўзгоримизни бут қилиб бермайди. Нимагаки эришсак, фақат ўз кучимиз, меҳнатимиз ва салоҳиятимиз билан эришамиз.

Хурматли депутатлар! 1997 йилни биз Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилдик. Шу мақсадлар йўлида қўлаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин эҳтиёжларни қондириш, авваламбор, иқтисодиётнинг барқарорлиги ва корхоналарда ишлаётган одамларнинг даромадида боғлиқ.

Қорақалпоғистон иқтисодиётидаги қолоқлик сўзсиз аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Гап инсон манфаатлари тўғрисида кетганда, мен Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик вазият тўғрисида гапирмай ўта олайман. **Шу ўринда биргина Мўйноқ тумани ва унинг атрофидаги ҳудудларда вужудга келган вазият тўғрисида тўхталмоқчиман.**

Кейинги икки йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 70 фоизга, қурилиш кўлами 2 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3 бараварга камайиб кетган.

Шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ачинарли даражада. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби тўла қондирилмаяпти.

Туман марказий шифохонасида врачлар етишмайди, биноси таъмирга муҳтож, дори-дармонлар билан атиги 25 фоиз таъминланмоқда. Бундай шароит, бундай вазият ҳаммамиздан қатъий, ҳеч чўзиб бўлмайдиган чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади. Агар бу ҳудудни сақлаш керак бўлса, уни **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини** ишлаб чиқишимиз керак. Бу — бизнинг бурчимиз.

Барчангизга маълум, Марказий Осиё давлатлари иштирокида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича Давлатлараро кенгаш тузилди. Бу Кенгаш халқаро молиявий тузилмалар ҳамкорлигида Оролбўйи аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилиш, уни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва бошқа йўналишлар бўйича муҳим лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

Мамлакат ҳукумати ҳам бу масалаларда Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, 1996 йили ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу Қорақалпоғистон миллий даромадининг 55 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистонга берилмаётган молиявий ёрдам миқдори 1994 йилга нисбатан 18 баробар кўпайди.

Сиз, халқ ноибларига маълумот беришим керак. **Бугунги кунда Ўзбекистон марказий бюджетидан Қорақалпоғистонга берилмаётган субвенция, яъни молиявий ёрдам миқдори 9 миллиарддан ошди сўми, ёки бутун Қорақалпоғистон бюджетига харажатларнинг 75 фоизини ташкил этмоқда.**

Республика раҳбарияти ана шу рақамларни жиддий таҳлил қилиши, ўлкани боқимандалик ҳолатидан олиб чиқиш йўллари ахтариши, топиши зарурми, йўқми?

Хурматли депутатлар! Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий манфаати, маданий ва маънавий, ақлий лаёқатини рўйбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқини ва ҳуқуқий ҳимосини таъминлаш бугунги куннинг устувор масаласидир.

Афсуски, Қорақалпоғистонда аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш, уларга тиббий, маиший, маданий хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан: Қорақалпоғистонда тўлиқ имконият бўлгани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Биргина 1996 йилда четдан 57 миллион АҚШ доллари миқдориди озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинди.

Савдо тармоқларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қонирқарсиз аҳволда. Хусусийлаштирилган савдо дўконларининг 60 фоизи ҳозирги кунда фаолият кўрсатмайди.

Мана шундай мураккаб аҳволда, халқнинг, аҳолининг талаби қондирилмаган бир пайтда, шахсий манфаатни қўлаб, 1995 йилда 574 тонна, 1996 йилда 777 тонна озиқ-овқат маҳсулотларини Қорақалпоғистон чегарасидан четга олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилинган. Ахир бу халқ ризқига хийнат-ку! Энг ачинарлиси, бундай ноқонуний харақатларга баъзи раҳбарлар ва божхона ходимлари томонидан ҳомийлик қилиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Туман ва шаҳар бозорларида деҳқонларга шароит яратилмаган. Шуманай туманида эса умуман бозор йўқ. Аҳоли ўз эҳтиёжини қондириш учун 50-80 километр йўл босиб, Кўнгирот ёки Хўжайли бозорларига боришга мажбур. Қарий 250 минг аҳоли яшайдиган Нукус шаҳарда атиги битта бозор бўлиб, у ҳам санитария талабларига жавоб бермайди.

Иккинчидан: аҳолининг уй-жойига, ижтимоий, маданий иншоотларига бўлган талабини қондириш аянчли аҳволда. 1996 йилда 1995 йилга нисбатан уй-жой қурилиши ҳажми шаҳарда 50 фоизга, аҳоли маблағлари ҳисобидан қурилиш 3 бараварга камайган. Бу муҳим ишга Амурдёр, Беруний, Кўнгирот, Мўйноқ ва Бўзатов туманларида эътибор берилмаяпти. Шу кунга қадар яқна тартибда уй-жой қуриш учун кредит сўраб берилган 2000 дан ортиқ ариза қондирилмаган.

Жойларда аҳоли учун арзон қурилиш материаллари тайёрлаш ва сотиш етарли даражада ташкил этилмаган.

1996 йил яқунлари бўйича Қорақалпоғистонда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури бажарилмаган. Икки йил давомда бирон-ла болалар бочаси, 1996 йил давомда эса бирон-ла касалхона қурилмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг ўзиди 11 миллиард сўмлик 116 та қурилиш тугалланмаган объект мавжуд.

Учинчидан: Қорақалпоғистонда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам муаммага айланган. Қишлоқларда хусусий ва кичик корхоналарни ташкил этиб, янги иш жойлари очишга етарлича аҳамият берилмаган. Ҳозиргача фаолият кўрсатаётган бундай корхоналарнинг бор-йўғи 40 фоизи қишлоқларда жойлашган. Лекин уларнинг сони ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Агар 1993 йилда қишлоқларда 416 та кичик цех ташкил этилган бўлса, 1994 йилда уларнинг сони 32 фоизга камайган. Меҳнат биржасидан

рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 9 мингдан ошиб кетган.

Уларнинг тақдирини билан ким шуғулланиши керак? Ҳар бирининг орқасида оиласи, бола-чақаси, уларнинг таъминоти бор-ку! Вазирлар Кенгаши бу муҳим масалага қачон жиддийроқ қарайди?

Тўртинчидан: соғлиқни мустаҳкамлаш, таълим-тарбия, тиббий ва маданий-маърифий ишлар инсон манфаатини таъминловчи асосий йўналишлардан биридир.

Қорақалпоғистонга 1991 йилдан бери халқаро жамғармалар томонидан келаётган инсонпарварлик ёрдамнинг на учини, на охирини топиб бўлади. Аҳоли орасида эса, келган дори-дармонларнинг, тиббий анжомларнинг нотўғри тақсимланаётгани, муҳтож аҳолига етиб бормаётгани норозиликларга сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолга чек қўйиш керак. Айнқас, ЭКОСАН жамғармаси раҳбарияти ана шундай ҳақли эътирозлардан тегишли ҳулоса чиқариб олмоғи лозим.

Хурматли депутатлар! Юсак маърифатли, ҳар томонлама салоҳиятли авлодин тарбиялашдек муқаддас вазифа олдимизда турибди.

Баркамол инсонни воёга етказиш учун, энг аввало, оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим.

Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобиди ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватанинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Мактаблар, умуман, халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас. Қорақалпоғистон замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган иккита наشريётга эга бўлишига қарамай, 500 минг нусхадан зиёд дарслик етишмаслиги нима дейиш мумкин?

Ҳозир таълим-тарбия бўйича Ўзбекистон Миллий дастури тайёрланмоқда. Олий Махлиснинг навбатдаги сессияси мазкур масалаларга дахлдор бўлган янги қонун лойиҳасини қўриб чиқмоқчи. Бу давлатимизнинг мамлакатнинг ХХ1 асрдаги тараққиётини белгилайдиган сиймий стратегиясидир.

Шу жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам ана шундай узоқ муддатли, республика келажакка кафолат берадиган дастурлар ишлаб чиқиш лозим, деб ўйлайман.

Ёш авлодин соғ ва комил этиб тарбиялашда спортнинг роли катта. Қорақалпоғистон шаҳар ва туман марказларида бор-йўғи 5 та стадион мавжуд. Кўпгина спорт майдонлари каровсиз аҳволда. 55 фоиз мактабларда спорт заллари, 25 фоизда ҳатто спорт майдончалари ҳам йўқ. Мактабларнинг ўзиди 1200 дан ортиқ жисмоний тарбия ўқитувчиси етишмайди.

Бутун мамлакатда спорт оммавий тўс олган бир пайтда Қорақалпоғистон футбол бўйича олий лигада қатнашмаётганини қандай баҳолаш керак?

Республика радио ва телевидение, газета ва журналларида бугунги кунимизга мос эшиттиришлар, саҳифалар ташкил этилмаган. Телевидение ва радионинг техник жиҳозласида етишминчи йиллар даражасида қолиб кетган.

Энди инсоннинг ҳуқуқий муҳофазаси масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Қонунчилик, ҳуқуқий маданияти, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳақоратини таъминлаш давлат аҳамиятига молик сийасатдир. Бу соҳада ҳам қатор жиддий нуқсонлар мавжуд.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида сансалорлик, тергов муддатларининг бузилиши ҳолатлари мавжуд. 1996 йилда 77 та жиноий иш бўйича тергов муддатлари бузилган, 69 жиноий иш қайта терговга юборилган. Ички ишлар бўлиmlари томонидан 48 та жиноят ҳисобдан яширилган.

Судьяларнинг касб малакалари етарли эмаслиги оқибатида аксарият ҳолларда қонунга хилоф қарорлар қабул қилинган. 1996 йилда кассация ва назорат тартибиди судланганларнинг салкам 12 фоизига нисбатан суд ҳукмлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

Судлар томонидан терговга қайтарилган ҳар қилхатдан битта жиноят иши бўйича суд ахримлари кассация босқичида бекор қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида судлар томонидан йўл қўйилган хатоликлар кассация

босқичида аниқланмаганлиги ва тузатилмаганлиги сабабли, қўллаб қонунсиз ҳукмлар қўлга кириб кетган. Бир вақтнинг ўзиди Олий суднинг ўзи томонидан чиқарилган ҳукмларнинг қарий 20 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

Азиз дўстлар! Биз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ишени, демократик жамият қуриш ва эркин бозор муносабатларини татбиқ этиш йўлида қабул қилинган қонун ва қарорларни юсак баҳолаймиз.

Сизларнинг сафингизда турмушнинг аччиқ-чучугини кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган нурунийларимиз, фан, маданият ва маърифат соҳасининг атоқли наомандлари борлигидан фахрланамиз.

Бугун Қорақалпоғистон ўлкасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий танглиқдан тезроқ чиқиб олиш вазифаси кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ. Бунда қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилиниши, уларнинг ижро интизомига риоя этилиши муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар бу борада бир қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Таҳлил шунки кўрсатмоқдаки, Жўқорғи Кенгес ва Вазирлар Кенгаши фаолиятларида бир-бирини тақорлаш ҳоллари учрайди. Амалий фаолиятда қонунчилик ишлари ҳалақат бераётган расмиятчилик, ҳужжатбозлик, бўлар-бўлмас маълумотлар, ҳисоботлар тўплаш каби нуқсонлар мавжудлиги сезилмоқда.

Бундай ҳолатлар кўпинча кадрлар тайинлаш масалаларида кўринмоқда. Мисол учун, белгиланган «тартиб»га асосан, биргина хўжалик раҳбари ишга тайинланишидан аввал, номзод ўзидан юқори турган катта-кичик 34 раҳбарнинг сўхбатидан ўтиши керак. Расмиятчилик бундан ортиқ бўлиши мумкинми? Бу иллатлардан қачон қутуламиз?

Жамоа ҳўжасидаги раисларни тумандаги мутасадди раҳбарлар тавсия этиб, ҳукумат раҳбарлари танлагани ва тайинлагани маъқул эмасми?

Жўқорғи Кенгес Раиси қошида тузилган Махлақат кенгаши фаолиятини ҳам қайта кўриб чиқиш лозимлигини тавсия этмоқчиман. У олдинги советлар давридаги «Олий Совет Президиуми» фаолиятини бажаришга ўтиб олган.

Жўқорғи Кенгес қўмиталари фаолияти ҳам такомиллаштиришни талаб этади. Уларда муҳокама қилинаётган масалаларнинг 60 фоизи хўжалик ишларига боғлиқ муаммолардир. Бундай иш фаолияти билан қонунчилик ва унинг ижросини таъминлаб бўлмайди.

Тартиб ўрнатилган бўлса, ҳар бир бошқарув тизими, ҳар бир раҳбар орган, аввало, ўз тасарруфиди белгиланган, топширилган ишлар билан шуғулланишини таъминлаш зарур.

Лўнда қилиб айтганда: **биринчидан**, ижро ҳокимияти масъулиятини, жавобгарлигини ошириш лозим;

иккинчидан, шу билан бирга, унинг эркинлигини ҳам таъминлаш керак.

Биз танлаган йўл — ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўли. Биз танлаган йўл — фуқаролик жамиятини шакллантириш йўли. Шунинг учун ҳокимиятнинг тармоқланиши масаласида энг демократик таъминларни амалда жорий қилиши эди даркор.

Қонунчилик ҳокимияти — Жўқорғи Кенгес бир томонда, ижро ҳокимияти — Вазирлар Кенгаши иккинчи томонда, суд ҳокимияти бошқа бир томонда. Биз ана шу уч ҳокимиятнинг алоҳида-алоҳида дахлсизлигини, мустақиллигини йўлга қўймас эканмиз, улар ўртасидаги демократик муносабатлар принципларини тикламас эканмиз, жамиятда мутаносибликни, бошқарувда ҳамжиҳатликни йўлга қўй олмаймиз.

Муҳтарам дўстлар! Ислохотларнинг муваффақияти кадрлар малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янгица фирқлашига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Раҳбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, ҳалол ва пок, талабчан ва қатъиятли, халқпарвар инсонлар бошчилик қилмасга, қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу сабабдан бугун ватанпарвар, янгиликка чанқок, замонавий соҳаларни чуқур англаб етadиган, ўз эл-юртига хизмат қиладиган инсонларни, биринчи навбатда

ёшларни ёнимизга олиб, тарбиялаб, ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак.

Афсуски, Қорақалпоғистонда бу муҳим ишга, вазифага жиддий қаралмаяпти. Ҳамон эскича ишлайдиган, замон талабларига етарли жавоб бера олмайдиган кадрлардан воз кечилмаган.

Айрим раҳбарлар орасида боқимандалик кайфияти шунчалик ривожланганки, уларнинг назарида ҳамма нарса давлат ҳисобидан бўлиши керак. Бундай эскилик асоратларидан қутулиш лозим.

Халқнинг дардига қулоқ солмайдиган, унинг оғирини енгил қила олмаган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсага ўйламайдиган бепарво раҳбарлардан воз кечиш керак.

Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ишларида кўпинча юзаси қараш, шошма-шошарлик ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Кегайли, Қораўзақ, Чимбой туманларида кейинги икки йил ичида, Шуманай туманида 1996 йилнинг ўзиди 100 фоиз хўжалик раҳбари алмаштирилган. Афсуски, бундан қўзланган мақсадга эришилмаган.

Кадрларни танлаш ва тайинлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик иллатлари ҳам йўқ эмас. Мен бу масалага алоҳида тўхталмоқчиман.

Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик — миллат кушандаси! Яъни миллатни портлатиб юборадиган балодир. Биз қанчалик уруғ талашсак, алоҳида-алоҳида қабилалар атрофида ўралашиб қолсак, шунчалик майдалашамиз, тор уруғ-аймоқчилик доирасида қолиб кетамиз. **Замон оламга кенгроқ қарашни, катта масалалар билан шуғулланишни, ирик муаммолар хусусида ўйлаб, кенгроқ фикрлашни тақозо этади. Ана шундан келиб чиқиб, дунёга кенгроқ қарайлик. Миллий бирлик, миллий яхлитлик, миллий бир бутунлик — миллий равақ асосидир.**



• БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мир Араб мадрасаси Бухородаги энг катта ва гўзал иншоотлардан биридир. Минораи Калон, Масжидаи Калон ва Мир Араб мадрасаси бир мажмуани ташкил этади. Икки қаватли, 114 хужрадан иборат бўлган бу обида пештоқи кошнлар билан безатилган.

Мир Араб мадрасасининг икки улкан гўмбазини -- ажиб санъат намунаси ҳисобланади. Хўш, нега бу обида Мир Араб деб аталади? Мир Араб ким бўлганлар?

Мир Араб номи билан машҳур бўлган зотнинг асли исми Сайид Абдуллоҳидир. Ул киши Яманининг Хазарамавут мазоиринда туғилган. «Тухфат аз зоирин»да ёзилишича, Хазарамавутда Худ алайҳиссаломнинг қабрлари бор экан.

Сайид Абдуллоҳ амир бўлган, лекин 22 ёшга кирганда ногоҳ жазба (яъни дилларида Аллоҳ таоло ишқи) пайдо бўлиб, тож тахтининг баҳридан кечадилар ва Самарқандга келадилар. Самарқанддаги Хожа Кафшир гузарига Хожа Аҳрори Валий суҳбатларига етишди ва қисқа муддатда Хожа Аҳрордан иршод хати олиб, буюк пир даражасига етишди.

Абдуллоҳ ҳазратларини Мир Араб дейишларига сабаб, Хазарамавутнинг амири эканликлари ишора экан. Мир Араб Яманий деб ҳам баъзи манбаларда ёзилган, чунки у киши Ямандандир.

Восифийнинг «Бадоеъул вақоъ» асарига ёзилишича, Убайдуллоҳнинг пири Ҳазрат Мир Араб бўлган. Убайдуллоҳон пирининг истиқболларига баъзан ҳатто шаҳардан ташқаригача пиёда чиққан. Пирини гоят эҳтиром этган.


«Бадоеъул вақоъ»да таъкидланишича, Мир Араб Туркистоннинг Саброн (Саврон) деган жойда қориз қазирган, сув чиқарганлар ва мустақкам қалъа бино этиб, жуда кўп жойларни обод этганлар. Шунингдек, Шофиркон, Вобкент, Ғиждувонда ариқлар қазириб, боғлар барпо этган. Шофиркон рудини қазириб, Убайдуллоҳон ибн Султонхон шарафига уни Султонобод атаганлар.

Айни шу кунларда Шофирконда Мир Араб қалъаси бор. У ерда қабр ҳам мавжуд. Бу зиёратгоҳ Ҳазрат Мир Араб қадимжоларидир.

Бул зот ўз даврининг буюк пири муридиди бўлиб, Нақшбандия тариқатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Илму ирфонда,

маънавиятда ўз даврининг ягонаси бўлган. Соҳибқаромат, дуоси ижобат зот Мир Араб ҳар томонлама баркамол шахс эдилар. Маълумки, 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий-

МИР АРАБ МАДРАСАСИ



нинг буйруғига мувофиқ Нажми Соний бошлиқ 80 минг қизилбошлар Амударёдан ўтиб Мовароуннаҳрга ҳужум бошлади. Нажми Соний дейдики, мен Самарқандни ер билан теп-текис қиламан ва шудгорлаб, унда қовун ундираман. Яъни, каллаларни ерга қатор қилиб ташлайман.

Нажми Соний аскарлари шаҳарларни бирин-кетин ишғол қила бошлади. Убайдуллоҳон ҳам, Жонибек Султон ҳам кўриқб қочадилар. Бу воқеани эшитиб Мир Араб Туркистондан зулмик билан Бухорога келади ва Убайдуллоҳонга: «Эй фарзанд! Сизга нима бўлди? Ахир Аллоҳ таоло сизга буюк тухфа ато этипти. Икки дунё бахтига муссар бўлаёсиз. Наҳот, бу бахти қўлдан бой берсангиз? Асло кўркманг. Бу жанг дину динат, Ватан ҳимояси учун, халқ учундир. Сиз, иншооллоҳ, голиб бўлаёсиз!» -- дедилар.

Убайдуллоҳон: «Ҳазрат, ахир унинг 80 минг наварки бор, менинг ҳолим сизга аён. Қандай қилиб мен у билан

жанг этишим мумкин?» -- деб эътироз билдирганда, Ҳазрат Мир Араб: «Аллоҳ таоло Куръони Каримда деганки -- кўп вақт кичик қўшинлар кўп қўшинлар устидан галаба қилар! Галаба берувчи Аллоҳдир!» -- дедилар.

Улар гаплашиб турган пайтларида Қаршидан хабар келади. Нажми Соний Қаршини эгаллаб, бутун аҳолини қатл эттирган. Бу хабарни эшитиб, Убайдуллоҳон йиғлайди ва: «Ҳазратим, пирим! Ахир у вақшийларга қандай қилиб баробар бўлоқ мумкин?» -- дейди ноумидлик билан.

Мир Араб: «Эй фарзанд! Қизилбошларнинг бу зулми

пештоқида унинг тарихини билдирувчи байтларни ёзган:

Мир Араб, фахри Ажам, он ки сохт
Мадрасай олий, бас булачаб,
Булачаб онест, ки таърихи ўст

Мадрасай олийи Мир Араб. Яъни Ажамнинг фахри Мир Араб ажойиб мадраса қурдири. Унинг ажойиблиги шундаки, «Мадрасай олийи Мир Араб»дир. «Мадрасай олийи Мир Араб»дан унинг тарихи ҳижрий 942 йилда ажад ҳисобида чиқади.


Мир Араб мадраса қуриши битмай 1536 йилнинг бошида вафот этадилар. Ул зотни маъкур мадраса шимолидаги гўмбаз остига қумадилар. Мир Арабнинг куёвлари Шайх Закариё мадраса қурилишини охирига етказди. Шайх Закариёнинг қабри Мир Араб мадрасасидаги даҳмада, шунингдек, Убайдуллоҳон ҳам Мир Араб оёқлари томонида қумилган. Айни шу кунларда ҳам бу қабрлар бор.

«Бадоеъул вақоъ»нинг муаллифи Зайниддин Восифий (1485 -- 1532) Ҳазрат Мир Араб ва Убайдуллоҳон билан бир неча маротаба учрашган ва ҳамсуҳбат бўлган. Восифийга Алишер Навоийнинг назарлари тушган эди.

«Тухфат аз зоирин»да нақл этилишича, Абдуллоҳи Бухорий бир кун олами рўё (яъни тушида) кўрадиги, пайғамбаримиз Муҳаммад Саломллоҳу алайҳиссалом Минораи Калонга муборак елкаларини тираб туриптилар. Ҳаддан ташқари кўп одам пайғамбар алайҳиссалом дейдорларини кўрмоқ умидида тўплаган. Муҳаммад алайҳиссалом: «Эй Абдулҳақ!» -- деб қақирадилар. Ва мен ул жанобнинг ёнларига: «Лаббайка, ё Расулуллоҳ!» -- деб бордим, -- дейди Абдулҳақ Бухорий. Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Фарзандим Мир Араб ажаб нек иморат ва дилкаш бино қурдирипти!» Маъкур ҳол иморатнинг қабули назар бўлганлигига ишорат эди.

Айни шу кунларда ҳам Мир Араб мадрасасида толиби илмлар Исмоил динидан сабоқ олади. Мустақиллик шарофатидан Мир Араб мадрасаси асл ҳолига келтирилмоқда, таъмирланмоқда. Фарбу Шарқдан келётган сайёҳлар қўшинлардаги рангларни, пештоқлардаги мутаносибликни, гўмбазлардаги салобатни, деворлардаги нақш этилган оғларни кўриб ҳайратланидилар ва ота-боболаримизнинг буюклигига яна бир бор қўйил бўлиб, тан берадилар.

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ.



UZDUNROBITA
cellular

«ЎЗДУНРОБИТА»ДА БИРИНЧИ МАРТА

Фақат рақамли уяли телефон эгаси бўлган -- Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари абонентлари учун

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ РЕЖАСИ

- ✓ **Биринчи марта**
375 АҚШ доллари абонентлик тўлови учун бир ойда Сиз 1200 дақиқа (20 соат!) эфир вақтига эга бўласиз.
- ✓ **Биринчи марта**
Бир дақиқа эфир вақти бор-йўғи 0,31 АҚШ долларини ташкил қилади.
- ✓ **Биринчи марта**
Сиз ҳар куни соат 23.00 дан 6.00 гача бепул эфир вақтига эга бўласиз.
- ✓ **Биринчи марта**
Шанба ва якшанба кунлари Сизга бутун сутка давомида бепул эфир вақти берилади.



Тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўлов куни белгиланган курс бўйича сўмда қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни Сиз қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

Тошкентда -- (8712) 300909, Самарқандда -- (3662) 380909.

• СПОРТ

НАВОЙЛИКЛАР БИРИНЧИ



Тўдакўл сув ҳав-засида парус спорти бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли яхтачилари иштирок этишди.

Мусобақани ташкилий томондан уюштириш, яхтачиларнинг тайёргарлик кўришлари, машғулотлар ўтказишлари учун ҳамма қулай шарт-шароитлар яратишни ҳомий ташкилот -- Навойй қурилиш бошқармаси зиммасига олгани айни муддао бўлди. Натижада мусобақа анча кескин тусда ўтди. Яқунда маъкур бошқарманинг спортчилари 12 та совринли ўриндан ўнтасини қўлга киритдилар. Тошкент вилояти вакиллари -- чирчиқликлар эса иккинчи ўринни эгаллашди. Голибларга эсдалик совгалари топширилди.

Т. ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Видеомангнитофон

ОЛМОСДАН ЯСАЛГАН ВИДЕОКАЛЛАКЧАНИНГ КАФОЛАТИ - 5 ЙИЛ



Technology that works for life
SAMSUNG
ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этиш:
"Самсунг Электроникс Ко." Алматы офиси:
Алматы, Орбита-3, 82"А" ун.
Тел: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

Winner Diamond Head HiFi VCR
SVR-140D
Advanced Deck Technology

- Юқори тезликда ўраш "Реактив привод"
- Ўта тез сарт
- Челнок усулида бошқариш
- Таймерга қўмаклашиш
- Олд панелда аудио ва видеокириш
- Аудиомонтаж
- 4 дастур/1 ойга дастурлаш таймери
- Рақамли автотрекинг
- LP (Long Play) режими
- Болалардан муҳофаза қулфи
- Мутлоқ узатмасиз видеомангнитофон
- OTR (One Touch Recording) - бир тугмачани босиб ёзин
- Юқори технологик целлар
- Индекс бўйича қидирув
- Секундлаб кўрсатиш
- Тез қидирув
- Нусха кўчириш
- Стоп-кадр ва кадрларни қайта тиклашнинг афзал сифати
- Тула автомат усулида ишлаш
- Катта дисплей
- Рус тилида дастурлаш

Фирма дўконлари

TOY Ко. Лтд.	Тошкент	Амир Темуր кўчаси, 110	(3712) 34-02-58
Кафолат Файз	Тошкент	"Эскижўва" кўчаси, "Чорсу" бозори	35-09-86
Кафолат Файз	Тошкент	Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон.	(3712) 42-29-89
Отaxon	Фаргона	Ал-Фарғоний кўчаси, 20	(3732) 24-78-76
Наврўз	Анджсон	"Мустақиллик" кўчаси, 14	(37422) 43-8-60

SAMSUNG

БРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

ТИФЛОКС

Бактерияга қарши восита қўйидаги вазиятларда қўлланилади:

- ◆ ич терлама;
- ◆ септицемия;
- ◆ инфекция;
- ◆ сийдик-жинсий;
- ◆ суяклар, бўғинлар;
- ◆ кўйи нафас йўллари;
- ◆ тери, юмшоқ сирт;
- ◆ иммунитетни суяйган беморни профилактика қилиш.

5-7 кун давомида кунига 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъати аъзолари ва жамоаси вазири уринбосари -- Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобати ривожлантириш қўмитасининг расми Дилшод Аҳмедовга оналари Хотима ОБИДОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таяни изҳор этади.

«Уқшўжъатъяминоттаъмир» давлат қўмитаси жамоаси Сурхондарё вилояти «Агромашсервис» бирлашмасининг собиқ расми Омир ЖАМИЛОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таяни изҳор этади.

«Қишқўжъатъяминоттаъмир» фирмаси ходимлари Сурхондарё вилояти «Агромашсервис» бирлашмасининг собиқ расми Омир ЖАМИЛОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таяни изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтини жамоаси академик Ж. Саидова рафиқалари Ҳабба ШАРИПОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Хўж ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодийет 36-36-65, 36-07-94;
Магнавийет 36-35-60;
Тунги муҳарририет 33-10-28;
Эълолар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г -- 0449, 34.845 нусхада босилди,
ҳажми -- 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2
Газета ИВМ компьютерда терилди
ва оператор Рустам АЗИМОВ
томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона мағлизи: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Боснига топшириш вақти--21.00 Боснига топширилди -- 23.00

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир --Т. Абдурахмонов.
Навбатчи -- Ф. Шермухаммад.
Мусахҳид --Ш. Режапов.

1 2 3 4 5 6